

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

84 **Йўналишга чиқиш олдидан автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш ҳамда йўловчилар, багаж ва юклар ташувларини амалга оширадиган ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2560*

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»-ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда) ижросини таъминлаш, йўналишга техник жиҳатдан соз автомобилларни чиқариш, автотранспорт воситаларини ва ҳайдовчилар саломатлигини сифатли назоратдан ўтказиш орқали йўл ҳаракати хавфсизлигини янада ошириш мақсадида, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Йўналишга чиқиш олдидан автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш ҳамда йўловчилар, багаж ва юклар ташувларини амалга оширадиган ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги бошлиғи**

В. ИСМАЙЛОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 17 январь,
22-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. АЛИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 17 январь,
1-сон

Ички ишлар вазири

А. АХМЕДБАЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 17 январь,
1-сон

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти
агентлиги, Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар
вазирлигининг 2014 йил 17 январдаги
22, 1, 1-сон қарорига
ИЛОВА

**Йўналишга чиқиш олдидан автотранспорт воситаларини
техник кўриқдан ўтказиш ҳамда йўловчилар, багаж ва
юклар ташувларини амалга оширадиган ҳайдовчиларни
тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 ноябрдаги 308-сон «Шаҳар йўловчи ташиш транспорти тизимини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 46-сон, 604-модда) мувофиқ тижорат асосида йўловчилар, багаж ва юклар ҳамда махсус ишларни бажаришга мўлжалланган автотранспорт воситаларини йўналишга чиқиш олдидан техник кўриқдан ўтказиш ҳамда уларнинг ҳайдовчиларини тиббий кўриқдан ўтказиш тартибини белгилайди.

І боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

автотранспорт воситалари — йўловчилар, багаж, юклар ташишга ҳамда махсус ишларни бажаришга мўлжалланган автомобиллар, шатакчи автомобиллар, тиркама ва ярим тиркамалар;

ташувчи — мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида авто-

транспорт воситасига эга бўлган, тижорат асосида йўловчилар, багаж, юклар ташиш хизматини кўрсатадиган ҳамда бунга махсус рухсатномаси (лицензияси) бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

2. Ушбу Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча юридик шахс сифатида фаолият кўрсатаётган ташувчилар учун мажбурийдир.

3. Жисмоний шахс бўлган юкларни ташувчилар йўналишга чиқишдан олдин автотранспорт воситасини техник созлигини, тозалигини ва тўлиқ жиҳозланганлигини текшириши, шунингдек автотранспорт воситасини ҳар қандай мастлик (алкоголь, гиёҳванд модда ва бошқалар) ҳолатида, сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарчоқлик ва бетобликда бошқармаслиги керак.

4. Ташувчи автотранспорт воситалари йўналишга чиқиш олдидан механик томонидан техник кўриқдан ўтказилишини ҳамда ҳайдовчилар йўналишга чиқишдан аввал тиббий кўриқдан ўтказилишларини таъминлаши шарт.

5. Йўналишга чиқиш олдидан автотранспорт воситаларини техник кўриқдан, ҳайдовчиларни эса тиббий кўриқдан ўтказмай туриб йўловчилар, багаж ва юкларни ташиш тақиқланади.

Йўналишга чиқиш олдидан техник кўриқдан ўтказиш натижалари бўйича носоз деб топилган автотранспорт воситаларига, тиббий кўриқ натижалари бўйича автотранспорт воситасини бошқаришга рухсат этилмаган ҳайдовчиларга йўловчилар, багаж ва юкларни ташиш тақиқланади.

Ушбу бандда кўрсатиб ўтилган ҳолатларда йўл варақаси навбатчи диспетчерга қайтарилиши лозим.

6. Йўналишга чиқишдан олдин автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ва ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкиллаштириш ташувчи томонидан амалга оширилади.

II боб. Автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш

1-§. Техник кўриқдан ўтказиш жойлари

7. Йўналишга чиқишдан олдин автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида ташувчига тегишли бўлган назорат-техник пунктларида (бундан буён матнда НТП деб юритилади) амалга оширилади.

8. НТП йўналишга чиқиш олдидан автотранспорт воситасининг техник кўригини ўтказишга имкон берадиган қуйидаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиши лозим:

ёритиш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган кўздан кечириш чуқурчаси ва (ёки) автотранспорт воситасини кўтаришга мослашган кўтаргич, эстакада;

автотранспорт воситасининг асбоб-ускуналари тўплами;
амалдаги текшириш тамғаси қўйилган камида иккита ёнғин ўчиргич (углекислотали, куқунли);

мазкур Низомнинг 1-иловасидаги рўйхатда кўрсатиб ўтилган техник соз аҳволда бўлган асбоб-ускуналар, анжомлар.

9. НТПда қўйидаги ишлар амалга оширилади:

автотранспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш;

йўналишдан қайтиб келган автотранспорт воситасини қабул қилишда унинг ҳолатини техник назоратдан ўтказиш;

автотранспорт воситаси йўналишга чиққан ва қайтган вақти, спидометр кўрсаткичи, техник аҳволи ва қўйилган жойи йўл варақаси ва бошқа тегишли ҳужжатларда тўғри кўрсатилиши;

автотранспорт воситалари сақланидиган ҳудудда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш.

2-§. Йўналишга чиқиш олдиан техник кўриқдан ўтказиш

10. Автотранспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш учун хайдовчи механикка қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжат;

хайдовчилик гувоҳномаси ва (ёки) унинг талони, ёки уларни ўрнини босувчи тегишли ҳужжат;

йўл варақаси.

11. Йўналишга чиқишдан олдин автотранспорт воситаларининг техник аҳволини аниқлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги 472-сон қарори (Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2000 й., 12-сон, 75-модда) билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидалари (бундан буён матнда Йўл ҳаракати қоидалари деб юритилади) ва 2012 йил 4 июлдаги 191-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 26-27-сон, 298-модда) билан тасдиқланган «Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламент ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади. Йўналишга чиқишдан олдинги техник кўриқка автотранспорт воситалари тоза аҳволда ва йўловчиларсиз тақдим этилиши лозим.

12. Автотранспорт воситаларининг йўналишга чиқишдан олдинги техник кўригини амалга оширишда механикнинг асосий вазифаларига қўйидагилар қиради:

техник аҳволи йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган, навбатдаги техник хизматдан ёки техник кўриқдан ўтмаган автотранспорт воситаларини йўналишга чиқишларига йўл қўймаслик;

йўл варақасининг тегишли катақларини тўлдириш ва мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги Навбатчи механикнинг автотранспорт воситасини

таларининг йўналишга чиқишлари ва қайтишларини рўйхатга олиш китобини (бундан буён матнда Рўйхатга олиш китоби деб юритилади) юритиш;

ҳайдовчиларга об-ҳаво шароитлари, йўллардаги вазият ва йўл ҳаракати хавфсизлиги чоралари тўғрисида хабар бериш.

13. Механик автотранспорт воситасини йўналишга чиқаришдан олдин қуйидаги тадбирларни амалга ошириши лозим:

а) юргизгич (двигатель) ишлаб турган режимда қуйидаги текширувларни ўтказиш:

бошқарув қурилмасидаги люфт йиғиндисининг кўрсаткичи белгиланган талабларга мувофиқлиги;

кулфловчи мослама тўхтатиб туриш тормоз тизимининг дастаги (ричаги)ни ушлаб тура олиши;

ойна тозалагич ва ойна ювгичнинг ишлаши;

ташқи ёритиш асбоблари, товуш мосламаси (сигнал), фалокат ёруғлик ишораларининг белгиланган тартибда ишлаши;

спидометр қурилмасининг белгиланган тартибда ишлаши ва тамғаланганлиги;

гидравлик ёки пневматик тормоз узатмасининг ишлаши;

ҳаво алмаштириш ва иситиш мосламаларининг ишлаши;

ёнилғи узатиш тизими зич (герметик)лиги;

б) юргизгич (двигатель) ишламай турган режимда қуйидаги текширувларни ўтказиш:

автотранспорт воситасида мавжуд рақамларни йўл варақасида ва автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжатда кўрсатилган маълумотларга мувофиқлиги;

тисарилишга қарши тиргак (бошмоқ)нинг мавжудлиги;

тиббиёт қутигачи (аптечка)нинг мавжудлиги;

ёнғин ўчиргич мавжудлиги;

мажбурий тўхтаганини билдирувчи белги (милтиллолчи қизил чирок);

автотранспорт воситасининг тегишли суюқликларининг (тормоз, қўшимча уловчи (сцепление), бошқарув кучайтиргичи, совутиш тизимларининг суюқликлари, юргизгичнинг (двигательнинг) мойи, ойна ювгичнинг суюқликлари ва шу кабилар);

ёнилғи идишининг герметиклиги;

шиналарни тўғри ўрнатилганлиги ва уларнинг умумий ҳолати;

олд томондаги ойна ва орқа тарафни акс эттирувчи кўзгуларда ҳайдовчини кўриш доираси чеклаб қўйилмаганлиги;

рессорларнинг асосий қатлами ёки марказий болти шикастланмаганлиги;

филдирак дискида ёки тегарчигида дарз кетган жойлар мавжуд эмаслиги;

филдираклар ишончли ва мустаҳкам маҳкамланганлиги;

тормоз тизимининг бўғим ва қисмлари ишончли маҳкамланганлиги;

кузов ёки кабина эшиклари кулфларининг ишончли ишлаши;

фалокат юз берган вақтда чиқиш жойлари ва уларни амалга келтириш мосламаларининг соз ҳолатдалиги;

автотранспорт воситасининг йўловчилар ўриндиқлари ишончли маҳкамланганлиги ва уларнинг сони ишлаб чиқарувчининг техник хужжатларида кўрсатилган сонига мослиги;

автотранспорт воситасининг салоида бегона нарсалар (канистралар, домкратлар, эҳтиёт қисмлар, филдираклар ва шу кабилар) йўқлиги;

автотранспорт воситасининг кузовида емирилган, занглаган, жиддий зарбаланган жойлар йўқлиги;

автотранспорт воситасининг ташқи кўриниши ва салои санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқлиги;

в) автотранспорт воситаси суюлтирилган ёки сиқилган газда ишлаганда қўшимча равишда қуйидагиларни текшириш лозим:

газ баллонларининг кронштейнларга, кронштейнлар эса платформанинг узунаси бўйлаб жойлашган брусларига ишончли маҳкамланганлиги;

газ ускуналарининг умумий аҳволи, уларнинг уланиш жойларининг герметиклиги;

двигателни юргизиш енгиллиги ва унинг тирсакли вали турли тезликда айланаётган вақтида бекор туриш тартибда газда ишлаши.

14. Техник кўрик натижалари бўйича автотранспорт воситасининг техник аҳволи йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мос келган тақдирда механик Рўйхатга олиш китобининг 10-устунига «Техник соз» деган ёзувни киритади ҳамда йўл варақасининг тегишли катагига имзо (муҳр) қўяди.

Техник кўрик натижалари бўйича автотранспорт воситасининг техник аҳволи йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мос келмаган тақдирда механик Рўйхатга олиш китобининг 10-устунига аниқланган носозликларни аниқ кўрсатиб «Техник носоз» деган ёзувни киритади ва йўл варақасига имзо (муҳр) қўймайди.

III боб. Ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш

1-§. Тиббий кўриқдан ўтказишни ташкиллаштириш

15. Тиббий кўрик ташувчининг тегишли лицензияга эга бўлган тиббий пунктида ёки бошқа ўрнатилган тартибда фаолият юритаётган тиббиёт муассасасида тиббиёт ходими йўналишга чиқиш олдиан ҳайдовчининг жисмоний ва рухий аҳволини текшириш мақсадида ўтказилади.

16. Тиббий пункт хонаси санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ равишда иситиш тизимлари, ёритиш ускуналари, сув, тозалаб туриш ва таъмирлаш асбоб-ускуналари билан таъминланади.

17. Тиббий ходим ҳайдовчилар йўналишга чиқишларидан олдин уларнинг саломатлигини мунтазам равишда мониторинг қилиб боради ҳамда ҳайдовчилар соғлигининг аҳволи билан боғлиқ бўлган сабабларни аниқлаш мақсадида йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил қилишда иштирок этади.

18. Тиббий ходим ташувчининг раҳбарияти, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, фойдаланиш хизмати ва ходимлар бўлими билан яқин алоқада ишлайди. Тиббий кўриқлар натижасида жамланган маълумотлар, кейинча-

лик ташувлар хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ходисалари ва жароҳатланишни камайтириш, меҳнат интизомини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда қўлланилиши лозим.

19. Тиббий ходимнинг ҳайдовчиларни йўналишга чиқишдан олдин тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича кундалик ишлари ҳисоби мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги Ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказишни ҳисобга олиш китобида (бундан буён матнда Тиббий китоб деб юритилади) қайд этиб борилади.

20. Тиббий ходим тиббий кўриқни ўтказишга имкон берадиган қуйидагилар билан жиҳозланган бўлиши лозим:

алоҳида хона;

ёзув столи, стуллар, стол устида турадиган лампа, кийим учун жавон, устки кийим учун илгак;

шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш учун керакли воситалар билан бутланган жавон;

артериал босимни ўлчаш асбоби;

термометр;

чиқарилаётган нафасдан спирт буғларини аниқлаш асбоби;

тиббий кушетка;

тиббий асбоб-ускуналар учун кичик стол;

тиббий шпателлар.

Хона узлуксиз равишда ишлаб турадиган телефон алоқаси билан жиҳозланган бўлиши лозим.

2-§. Йўналишга чиқиш олдидан тиббий кўриқларни ўтказиш

21. Ҳайдовчиларни йўналишга чиқиш олдидан тиббий кўриқдан ўтказишда тиббий ходимнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

саломатлигининг аҳволи талабларга жавоб бермайдиган ҳайдовчиларни йўналишга чиқишларига йўл қўймаслик;

йўл варақасининг саломатлик аҳволига тегишли бўлган катакларини тўлдириш;

бир смена давомида ўтказилган тиббий кўриқлар натижалари тўғрисидаги маълумотларни ташувчининг раҳбариятига тақдим этиш;

Тиббий китобни юритиш.

22. Ҳайдовчини тиббий кўриқдан ўтказишда унинг соғлиғи бўйича суҳбат олиб борилади ҳамда умумий тиббий кўриқ ўтказилади.

Суҳбат давомида ҳайдовчининг аҳволи, дам олиш (ухлаш) давомийлиги ва шароитлари аниқланади.

Ҳайдовчи саломатлигини умумий тиббий кўриқдан ўтказиш вақтида унинг юз қисмидаги тери қопламалари, лаблар шиллиқ пардаси ва кўз оқининг ҳолатига эътибор қаратилади, томир уришининг тезлиги, артериал босим ва тана ҳарорати ўлчанади.

23. Ҳайдовчиларни автотранспорт воситасини бошқаришдан четлатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

тана ҳароратининг кўтарилганлиги аниқланиши;

артериал босим ошганлиги, тахикардия, брадикардия, юрак уриш маромининг бузилиши;

ҳар қандай мастлик (алкоголь, гиёҳванд модда ва бошқалар) ҳолати, сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсири, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарчоқлик ва бетоблик аниқланганда.

24. Тиббий кўрик натижалари бўйича ҳайдовчининг саломатлигида йўналишга чиқишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар аниқланмаса, тиббий ходим Тиббий китобнинг 8-устунига «Рухсат этилди» деган ёзувни киритади ҳамда йўл варақасининг тегишли катагига имзо (штамп) қўяди.

25. Тиббий кўрик натижалари бўйича ҳайдовчининг саломатлигида йўналишга чиқишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар аниқланса, тиббий ходим Тиббий китобнинг 8-устунига аниқланган тўсқинликларни аниқ кўрсатиб «Рухсат этилмади» деган ёзувни киритади ҳамда йўл варақасига имзо (штамп) қўймайди.

26. Ҳайдовчи йўналишга чиқишдан олдин тиббий кўриқдан ўтишдан бош тортган ҳолатларда, шунингдек ҳайдовчида касалликлар аломатлари, жароҳатлар, ҳар қандай мастлик (алкоголь, гиёҳванд модда ва бошқалар) ҳолати аниқланганда тиббий ходим зудлик билан ташувчининг раҳбариятига хабар беради.

VI боб. Яқуний қоида

27. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири*

А. ХАИТОВ

2013 йил 31 декабрь

*Ўзбекистон Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ШАЙХОВ

2013 йил 31 декабрь

Йўналишга чиқиш олдидан автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш ҳамда йўловчилар, багаж ва юклар ташувларини амалга оширадиган ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Назорат-техник пунктининг асбоб-ускуналари, анжомлари РЎЙХАТИ

Т/р	Номланиши	Сони	Изоҳ
1	2	3	4
1.	Электрон соат (назорат)	2	Аниқлиги 1%
2.	Бошқарув қурилмасидаги люфтни текшириш асбоби	1	Ўлчашдаги хато 5%
3.	Тормоз ва қўшимча уловчи (сцепление) педалларининг эркин ҳаракатланиши масофасини ўлчаш асбоби (линейка)	1	Ўлчашдаги хато 5%
4.	Шина нақшлари изларининг қолдиқ чуқурлигини ўлчаш учун штангенциркуль	1	Бирлик даражаси 0,01
5.	Шина манометри	1	0,1 кгк/кв. см
6.	Узун симли кўчма лампа	1	36 вольтли кучланишга уланиш учун
7.	Дастаси 700 миллиметрга тенг оғирлиги 200 граммли болға	1	
8.	Филдираклар кесишуви даражасини (развал-схождение) ўлчаш асбоби (линейка)	1	Ўлчашдаги хато 5 — 10%
9.	Ишқорли аккумуляторли (батареяли) кўчма ёритгич (фонарь)	1	
10.	Йўлда ишлатиладиган гидравлик домкрат	1	
11.	Филдиракни йиғиш асбоби (монтаж)	2	
12.	Шатакка олиш учун қаттиқ буксир	2	

Йўналишга чиқиш олдидан автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш ҳамда йўловчилар, багаж ва юклар ташувларини амалга оширадиган ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

8 (612)-сон

**Навбатчи механикнинг автотранспорт воситаларининг йўналишга чиқишлари ва қайтишларини рўйхатга олиш
КИТОБИ**

Т/р	Автотранспорт воситасининг маркази	Автотранспорт воситаси рақами		Тиркама рақами		Йўналишга чиқиш		Йўналишдан қайтиш		Автотранспорт воситасининг техник аҳволи	Изоҳ
		давлат рақами	гараж рақами	давлат рақами	гараж рақами	чиқиш вақти	спидометр кўрсаткичлари	қайтиш вақти	спидометр кўрсаткичлари		
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

— 23 —

84-модда

Йўналишга чиқиш олдида автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш ҳамда йўловчилар, багаж ва юклар ташувларини амалга оширадиган ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

84-модда

**Ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказишни ҳисобга олиш
КИТОБИ**

Т/р	Ҳайдовчининг фамилияси, исми, отасининг исми	Табель рақами	Шикоятлари	Томир уриши	Тана ҳарорати	Артериал босим	Чиқарилаётган нафас таркибида алкоголь миқдори	Ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари	Изоҳ
	1	2	3	4	5	6	7	8	9

— 24 —

8 (612)-сон